



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> “Хизмат” тушунчасининг иқтисодий кагегория сифатида назарий таҳлили	5
<b>Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Рустам Алижонович Мусабоев</b> Истеъмолчилик хулқининг трансформацион хусусиятлари	11
<b>Аскар Хайдарович Джумаев</b> Жаҳон хўжалигида иқтисодий тизимларнинг қиёсланишининг услубий жиҳатлари	16
<b>Shahobiddin Ziyadullayevich O‘rozov</b> Amir Temur ijtimoiy faoliyatida ratsionallik yondashuvi	20
<b>Lola Nazarovna Xalikova</b> Ijtimoiy himoyalashga oid nazariy qarashlar	24
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Боҳодир Ибрагимович Исроилов, Бобуршоҳ Боҳодир ўғли Ибрагимов</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Қулмамат Джонузоқович Мирзаев, Гиёс Турабекович Юлдашев</b> Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантиришни асосий тараққиёт тенденциялари	32
<b>Жунайдулло Садиевич Файзиев</b> Умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш	37
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Раҳматулла Хидирович Эргашев</b> Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини ошириш	42
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Зариф Юсупович Аминов</b> Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири	49
<b>Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashdagi kamchilik va muammolar	53
<b>Bekjon Shukurillayevich Musayev</b> Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning uslubiy asoslari	57
<b>Sadoqat Qudratovna Bultakova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasi va uning O‘zbekistonda o‘shish dinamikasi	63
<b>Luiza Komilovna Haydarova</b> Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish zaruriyati va omillarini tahlili	67
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Akram Abduraxmonovich Azizqulov</b> Xatirchi tumanida ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari	74

<p><b>К.Мирзаев, Г.Юлдашев</b>  <b>Основные тенденции инновационного развития дехканства в нашей республике</b></p>	<p><b>K.Mirzaev, G'.Yuldashev</b>  <b>The main development tendencies of innovative development of agriculture in our republic</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в данной статье обоснована необходимость развития отрасли как важной задачи эффективного удовлетворения растущего государственного спроса, переработки продукции, пригодной для нужд растущего нового рынка на основе формирования сельского хозяйства в нашей республике на инновационной основе, решать задачи на основе внедрения современных инновационных технологий в сфере снабжения потребителей.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инновационные техно-логии, земледелие, зерноводство, экстенсивный, интенсивный, овощеводство, виногра-дарство, картофелеводство, табаководство.</p>	<p><b>Abstract:</b> this article substantiates the need to develop the industry as an important task to effectively meet growing government demand, process products suitable for the needs of a growing new market based on the formation of agriculture in our republic on an innovative basis, and solve problems based on the introduction of modern innovative technologies in the field of supplying consumers.</p> <p><b>Keywords:</b> innovative technologies, farming, grain growing, extensive, intensive, vegetable growing, grape growing, potato growing, tobacco growing.</p>

**Жунайдулло Садиевич Файзиев** – СамИСИ доценти, т.ф.н.

### УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ ДАСТУРИЙ – АППАРАТ КОМПЛЕКСЛАРИДАН ФойДАЛАНИБ АВТОМАТЛАШТИРИШ

<p><b>Аннотация:</b> мақолада R-Кеерг дастурий - аппарат комплексларини вазибалари, асосий афзалликлари, хусусиятлари ва модулли тузилиши таҳлил қилинган. Алоҳида эътибор тизим модуллари имкониятларини ёритишга қаратилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> дастурий таъминот, дастурий - аппарат комплекси, дастурий модуллар, илова, версия, тизим, дастурий ечим, булутли ечим, тариф, тизим ядроси.</p>
--

**Кириш.** Умумий овқатланиш корхоналарида миждозларни жалб этиш, уларга юкори даражадаги сервис, хизмат ва маҳсулотлар сифатини тақдим этиш долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларида бири умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш ҳисобланади. Умумий овқатланиш корхоналарини автоматлаштириш дастурлари персонал ишини енгиллаштириш, даромадларни ошириш, умуман ишчи – хизматчилар ва компаниянинг иш самарадорлигини ошириш имконини беради. Эндиликда мунтазам ишларга кўп вақт сарфлашни зарурияти йўқ. Корхонани муваффақиятли ишлаши учун барча заруриятлар автоматлаштиришнинг дастурий – аппарат комплекслари каби ягона ечимда мужассамлашган. Умумий овқатланишни автоматлаштиришнинг тайёр комплекслари маълум дастурлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб бозорда тақдим этилган энг машҳур ва самарали тизимлар ўртасидан СБИС Престо, iiko, R-Keeper, Контур Маркет ва АТОЛ Сигма кассасидаги атол еда дастурларини кўрсатиш мумкин[1]. Мазкур ишда R-Кеерг дастурий - аппарат комплексларини имкониятлари таҳлил қилинади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** R-Кеерг UCS компаниясининг савдо белгиси бўлиб, унинг остида биринчи навбатда ресторанларни комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий таъминот, дастурий - аппарат комплекслари сотилади[2]. R-Кеерг 1992 йилдан бери Россиянинг UCS компанияси томонидан ишлаб чиқилади. 2021 йилни март ойида R-Кеерг 7 версияси энг долзарб ҳисобланган. Тизимнинг олдинги R-Кеерг v6 версияси ҳам кенг тарқалган. Таъкидлаш жоизки, 2007 йилда R-Кеерг ресторанларни автоматлаштириш бозорининг 34 фоизини эгаллаб, 9500 дан ортиқ ресторанларни автоматлаштирган[3]. 2009 йилнинг апрел ойига келиб 15 минг ресторан автоматлаштирилган эди[4]. Ишлаб чиқарувчининг маълумотларига кўра, 2011 йилни ёзи ҳолатига кўра, R-Кеерг дунёнинг 30 та мамлакатидеги 20 мингдан ортиқ ресторан, кафе, тез овқатланиш ресторанларида[5][6], клублар ва кўнгилочар марказларида ўрнатилган, 2021 йилни бошидаги маълумотларга кўра, R-Кеерг дунёнинг 53 мамлакатидеги 65 мингдан ортиқ ресторанларда қўлланилади. 2016 йил май ойининг охирига келиб, R-

Кеерек тизимини ўрнатиш сони 47 мамлакатдаги 42 минг ресторандан ошди[7]. Ресторан бизнесида бу ном жуда оммалашиб кетди ва кўплаб ишчи – ходимлар ҳар қандай ресторани автоматлаштириш дастурларини R-Keerек деб аташади. R-Keerек тизимида ишлаш турли таълим муассасаларида ўқитилади[8].

2015 йил охирида R-Keerек ишлаб чиқарувчиси UCS Rambler&Co компаниялар гуруҳи билан стратегик иттифоқ тузиб, унга устав капиталидаги 50% улушини сотди. 2019 йилда R-Keerек ресторанини автоматлаштириш тизимининг асосчилари Григорий Гуревич ва Евгений Малахов бизнесдан чиқиб кетишди. Кейинги уч йил давомида улар активнинг ривожланишини четдан кузатдилар. 2023 йил март ойида эса улар R-Keerек ни унинг охириги эгаси, VK компаниясидан сотиб олишди.

Амалга оширилган 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида R-Keerек тизими тўлиқ хизмат кўрсатадиган ресторанлар ва тезкор хизмат кўрсатиш муассасалари учун энг машҳур ресторан тизимига айланди. R-Keerек - кафелар, ресторанлар, барлар, тез овқатланиш шохобчалари ва бошқа овқатланиш корхоналари учун дастурий ечим. Ушбу маҳсулот зал ва ошхонадан тортиб омборгача бўлган барча ҳудудларни бирлаштириш, ҳисобга олишни автоматлаштириш ва барча ходимлар ўртасида ўзаро алоқани ўрнатиш имконини беради. Официант ошпазга буюртма бериши учун ошхонага югуриши шарт эмас — илова буни автоматик равишда бажаради[9].

**Тадқиқот методологияси.** Олиб борилган изланишлар натижасида умумий овқатланиш ташкилотларида дастурий - аппарат комплексларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш мақсадида индукция - дедукция, абстракт фикрлаш, киёсий таҳлил, мантикий ёндошув, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** R-Keerек - бу умумий овқатланиш корхоналарини комплекс автоматлаштириш учун дастурий маҳсулотлар оиласи. Тизим касса ҳисоб-китоблари, зални назорат қилиш, молиявий бошқарув, ходимларни бошқариш, омборлардаги ҳисоб ва курьерлик етказиб беришни ташкил этиш модулларини ўз ичига олади. R-Keerек ни R-Keerек **lite**, R-Keerек **start**, R-Keerек **pro** ва R-Keerек **max** каби тарифлари маълум. R-Keerек Lite - бу R-Keerек тизимининг енгил версияси ва қатордаги барча маҳсулотларнинг энг арзони. Ягона интерфейс умумий овқатланиш саноати ва бошқа **HoReCa** сегментларидаги кичик бизнес учун керак бўлган ҳамма нарсага эга. Lite фастфуд, бистро, бургер дўконлари, қаҳвахоналар, қаян барлари каби корхоналарда автоматлаштириш учун оптимал ечим ҳисобланади. Lite - бу R-Keerек нинг булутли версияси бўлиб, у минимал функциялар тўпламини таъминлайди.

**HoReCa (Хорека)** - хизмат кўрсатиш соҳасининг сегменти ва савдо нуқтасида товарларни бевосита истеъмол қилиниши ташкил этилган товарларни сотиш канали. **HoReCa** атамаси товар ва хизматларни тўғридан-тўғри истеъмол қиладиган савдо жойларини билдирувчи сўзларнинг қисқартмаси: Hotel, Restaurant, Catering / Cafe.

R-Keerек Lite дастурининг асосий афзалликлари қуйидагилар ҳисобланади:

- амалга ошириш қулайлиги;
- бюджетни тежаш;
- ҳаракатчанлик - меҳмонлардан буюртмаларни тўғридан-тўғри столларда ва барда олиш мумкин;
- сутка давомидаги техник ёрдам;
- онлайн ва офлайн режимда ишлаш имконияти;
- ходимларни тайёрлаш қулайлиги.

R-Keerек Lite интуитив интерфейс ва оддий соғламалар туфайли тезда ишлашни таъминлайди. Тизимда менюни қулай тарзда тўлдириш учун маълумотномалар мавжуд. Маҳсулотлар позициялари бошқа овқатланиш дастурларидан юкланиши мумкин. Юридик шахс маълумотлари автоматик равишда тўлдирилади.

Булутли ечим интернет мавжуд бўлганида ишлайди. Аммо у билан боғлиқ муаммолар юзага келса ҳам, барча маълумотлар сақланади ва уланиш тикланганда, улар хизмат кўрсатувчи серверга юборилади.

Барча R-Keerек Lite дастурий модуллари ишлаб чиқувчининг сервер ускунасида сақланади ва мижоз обунага мувофиқ уларга кириш ҳуқуқини олади.

Маҳсулот битта тарифда мавжуд. Агар бир йиллик тўлов амалга оширилса, ойлик обуна нархи деярли учдан бир баравар арзон (ойлик тўловга қагараганда).

Енгиллаштирилган Lite версияси бошқа R-Keerex маҳсулотлари каби, фақат чекланган воситалар тўплами билан, модулли тузилишга эга.

R\_k Manager модули тизимнинг ядроси бўлиб, у орқали ресторан ёки кафедаги барча жараёнлар бошқарилади. Илованинг асосий функциялари:

- касса станциясини созлаш;
- кўрсаткичларни кейинги таҳлил билан аниқ давр учун режалаштириш;
- таомлар нархларини бошқариш;
- чегирмалар ва устамаларни белгилаш;
- таомларни комбинацияланган тўплаларга йиғиш;
- ходимларга кассада ишлашда ваколат ва ҳуқуқлар бериш;
- ходимларнинг иш вақтини назорат қилиш;
- иш ҳақи, мукофотлар ва жарималарни ҳисоблаш;
- муассаса фаолияти тўғрисидаги маълумотларни масофадан туриб олиш;
- фойда ва зарар ҳисоботларини шакллантириш;
- таннархни ҳисобга олган ҳолда таомлар нархларини ҳисоблаш.

Ядродан ташқари дастур ҳар бир участка учун касса майдони, ошхона, омборхона, зал, бухгалтерия бўлими каби модулларни ўз ичига олади. Улар ягона экотизимга бирлашади ва булут орқали бир-бири билан ўзаро таъсир қилади.

Касса станцияси. r\_k CashDesk модули (касса станцияси) Қонунга мувофиқ тўловларни автоматлаштириш учун мўлжалланган. Дастурий таъминотни имкониятлари:

- аралаш тўловларни қабул қилиш (нақд ва карта);
- чекни меҳмонлар ўртасида тақсимлаш;
- таомни бошқа меҳмонга ёки бошқа столга алмаштириш ёки ўтказиш;
- содиқлик тизимини созлаш: акциялар, чегирмалар ва бонус баллари;
- кассага уланган электрон тарози ва штрих-код сканеридан фойдаланган ҳолда таомларни сотиш;
- алкоғолли маҳсулотларни сотиш;
- меню бўйича қулай қидириш ва ёрқин графикалар;
- ходимларнинг иш вақтини ҳисобга олиш;
- оператив ҳисоботларни шакллантириш;
- комбинациялашган таомлар билан ишлаш;
- етказиб бериш буюртмаларини рўйхатга олиш ва бошқариш;
- кассирлар учун автоматик эслатмалар ва маслаҳатлар.

Касса станцияси оддий планшет, шахсий компьютер ёки ноутбукга ўрнатилиши мумкин. У POS - моноблоклар ва POS - тизимларнинг аксарият моделлари, фискал регистраторлар ва штрих-код сканерлари билан мос келади.

R-Keerex маҳсулотлари эвотор смарт терминаллари билан ҳам мос келади. Касса фойдаланувчиси дастурни компания дўконидан юклаб олади, шахсий ҳисобни рўйхатдан ўтказиш ва кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда интеграцияни созлайди.

Омбор ҳисоби. r\_k Store House модули омбор ҳисобини автоматлаштириш учун мўлжалланган. Ишлаб чиқариш ва таннархни тўлиқ бошқариш, харидларни ташкил этиш ва ходимлар ҳаракатларини назорат қилиш имконини беради. Иловада куйидаги операциялар мавжуд:

- таомлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва товарларни ҳисобга олиш;
- смена охирида фойдаланилган ингредиентларни омбордан автоматик ҳисобдан чиқариш;
- таомнинг нархини белгилашда харажатларни ҳисоблаш;
- ортиқлар ва етишмовчиликларни аниқлаш;
- таомларнинг калория миқдорини ҳисоблаш;
- технологик хариталарни яратиш;
- маҳсулотларнинг бир омбордан иккинчи омборга ўтишини ҳисобга олиш;
- фактуралар асосида ҳисоб-фактураларни автоматик яратиш;
- маҳсулотларга қулай буюртма бериш ва етказиб берувчилар билан электрон ҳужжат айланишини ташкил қилиш учун MixCart хизмати билан ишлаш;

- хомашёнинг ҳақиқий захираларини ва тайёр таом қолдиқлари бўйича инвентаризация қилиш;
- 1С билан синхронлаш.

Дастурда омбор ҳужжатларини яратиш мумкин:

- бузилган маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш;
- ходимларнинг овқатланиши учун маҳсулотларни алоҳида ҳисобга олиш;
- спиртли ичимликларни ҳисобга олиш;
- етказиб берувчилардан келиб тушишларни расмийлаштириш.

Илова хомашёни етказиб берувчидан буюртма қилишдан тортиб, кассада сотишгача бўлган барча босқичларида товарларни кузатиб бориш имконини беради. Дастур маҳаллий тармоқ ёки Интернет орқали созланади.

Ҳисоботни шакллантириш. r\_k Reports иловаси туфайли муассаса эгалари асосий бизнес кўрсаткичлари бўйича сўнгги таҳлилларни олишлари ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишлари мумкин. Фойдаланувчи исталган вақтда қуйидагиларни кўриши мумкин:

- реализация ҳужжатлари;
- ҳар бир чек учун онлайн ҳисобдан чиқариш;
- айланма варақаси;
- омбордаги товарлар ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатлар;
- таомлар гуруҳлари ва бошқалар бўйича тақсимланган сотув ҳисоботлари.

Илова имкониятлари:

- сотиш вақтида савдо ҳужжатларини автоматик равишда шакллантириш;
- график ва жадваллар кўринишида маълумотларни визуал кўрсатиш;
- сменани ёпмасдан реал вақт режимида ҳисоботларни яратиш;
- жорий иш куни, ой, йил ёки исталган бошқа давр учун таҳлилий маълумотларни яратиш имконияти.

r\_k Reports модули чексиз кўп фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлайди. Бу ҳар қандай ваколатли ходим ҳисоботларга кириши мумкинлигини англатади.

Содиклик дастурлари. r\_k Loyalty модули содиклик дастурларини ишлаб чиқиш учун воситаларни тақдим этади: акцияларни бошлаш, чегирмаларни қўллаш, email- ва SMS - хабарларни яратиш ва батафсил таҳлилларни олиш. Ушбу дастурда қуйидаги амалларни бажариш мумкин:

- меҳмонларга бонуслар бериш ва чегирмаларни қўллаш;
- шахсий таклифлар бўйича мижозларнинг афзал кўришларини аниқлаш;
- автоматик почта хабарларини созлаш;
- асосий бизнес кўрсаткичларини онлайн режимида назорат қилиш.

Дастур меҳмонлар билан самарали ўзаро муносабатларни ўрнатишга, доимий мижозларни жалб қилишга ва шу билан корхона фойдасини оширишга ёрдам беради.

Ҳужжатлар айланмаси. r\_k FoodFactory иловаси ҳужжат айланиши учун жавобгардир. Асосий имкониятлари:

- маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, ҳисобдан чиқарилиши ва ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатларни тизимга киритиш;
- хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни яроқлилик муддатини кўрсатган ҳолда маркалаш;
- ёрлиқлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ҳужжатларни чоп этиш;
- тарозиларни улаш;
- StoreHouse омбор ҳисоби модулида маълумотларни автоматик сақлаш.

Модул қоғоз ҳисоботни электрон ҳисоботга алмаштириш имконини беради. Одатда таом тайёрлаш ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш майдонида планшет компьютерга ўрнатилади.

Етказиб бериш. r\_k Delivery модули буюртмани қабул қилишдан тортиб, харидорга топширишгача бўлган таом етказиб беришнинг барча жараёнларини автоматлаштириш имконини беради. Илова имкониятлари:

- буюртмаларни телефон орқали, рестораннинг интернет ресурси орқали қабул қилиш;
- доимий мижозлар билан индивидуал мулоқот қилиш;
- маълум бир сана бўйича буюртмалар яратиш;

- битта харидор учун турли етказиб бериш манзиллари билан ишлаш;
- буюртманинг ҳолати ва уни амалга ошириш жараёнини назорат қилиш;
- call - марказни ишга тушириш имконияти;
- курьерларнинг ҳаракатини кузатиш.

Ушбу иловага қўшимча, масалан, курьер ёки call - маркази оператори учун, улар учун кириш ҳуқуқларини ўрнатиш модулларини улаш мумкин.

R-Keeper Lite автоматлаштириш тизимининг юқорида келтирилган имкониятлари таҳлили ушбу тизимнинг асосий вазифаларини таърифлашга имкон беради:

- фойдани ошириш ва харажатларни камайтириш;
- корхона фаолиятини назорат қилиш ва оптималлаштириш;
- таъриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- ходимлар томонидан ўғирлик ва суиистеъмолликнинг олдини олиш;
- ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш;
- содиқлик тизимини яратиш;
- фаолиятни таҳлил қилиш ва ривожланишни режалаштириш.

**Хулоса ва таклифлар:** Шундай қилиб ҳозирги кунда R-Keeper – энг ишончли дастурий ечим ҳисобланиб у рестораторларга ҳисоб, ишлаб чиқариш, буюртмалар, омборхона ва меҳмонлар содиқлигини, шунингдек персонал ишини барча босқичларда автоматлаштириш имкониятини беради. Ресторанни ушбу дастурий маҳсулот билан автоматлаштирилиши хоҳлаган бизнесни самарали қилади, харажатларни оптималлаштириш ва сотув ҳажмларини ошириш имконини беради. Тизим доимий ривожланишда бўлиб, буни шарофати билан бизнестда янги ёндошувлар ишлатилади. Таъкидлаш жоизки, r-keeper да автоматлаштириш касса ва менежер каби иккита дастурий даражалар билан таъминланади. Касса (тезкор)даражаси сотув жараёнини автоматлаштириш ва сотув бўйича маълумотлар базасини шакллантиришни таъминлайди. Менежер даражаси (ресторан идораси) маълумотномаларни шакллантириш, кириш ҳуқуқларини тақсимлаш, касса даражасининг турли хил созулмалари, параметрлар ва ҳисобот созулмаларини ўрнатиш, маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек маҳсулотларнинг ҳисобга олиш ва ҳаракати, ходимларнинг иш вақти ва ресторанинг бошқа фаолиятларини амалга оширувчи бошқа тизимлар билан зарур ўзаро алоқани таъминлаш учун жавобгардир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://kassaofd.ru/blog/program-dlya-avtomatiz-obshhepita>
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/R-Keeper>
3. <https://www.cnews.ru/reviews/?2007/12/21/280699>
4. И. Жуков. Несколько хороших цифр // Ресторатор: журнал. — М.: «НТА Проджект», 2009. — Вып. 6 (92). — С. 20—21.
5. В. Лобко. Свободная касса // Food Service: журнал. — М.: "Деловой подход", 2014. — Вып. 8—2014. — С. 32—35.
6. Ю. Матвеева. Меню со спецэффектами // Food Service: журнал. — М.: "Деловой подход", 2014. — Вып. 9—2014. — С. 56—57.
7. <https://rkeeper.uz/avtomatizaciya-restorana>
8. Программа курса «Обучение r-keeper»
9. <https://online-kassa.ru/blog/r-keeper-cto-eto-za-programma-i-dlya-chego-ona-nuzhna/>

<p><b>Дж.Файзиёв</b></p> <p><b>Автоматизация предприятий общественного питания с применением программно - аппаратных комплексов</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье анализируются функции, основные преимущества, особенности и модульная структура программно-аппаратных комплексов R-Keeper. Особое внимание уделено освещению возможностей модулей системы.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> программное обеспечение, программно - аппаратный комплекс, программные модули, приложение, версия, система, программное решение, облачное решение, тариф, ядро системы.</p>	<p><b>J.Fayziyev</b></p> <p><b>Automation of public catering establishments using software and hardware systems</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article analyzes the functions, main advantages, features and modular structure of R-Keeper software and hardware systems. Particular attention is paid to highlighting the capabilities of the system modules.</p> <p><b>Keywords:</b> software, software and hardware complex, software modules, application, version, system, software solution, cloud solution, tariff, system core.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.